



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 9 » mart

№ 126

Toshkent sh.

Озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида

“Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини, Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена конвенцияси мажбуриятларини бажариш, шунингдек, озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида:

Вена Конвенцияси бўйича Монреаль протоколининг мажбуриятларини бажариш юзасидан 2005-2019 йиллар даврида озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланиш миқдори 884 тоннадан 33 тоннагача камайтирилганлиги;

Монреаль протоколининг А, В ва Е рўйхатларида, шунингдек, С рўйхати II ва III гуруҳларида кўрсатилган моддаларни импорт қилиш тақиқланганлиги;

озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича Глобал экологик жамғарма, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф мухит ва Тараққиёт дастурлари кўмагида ҳамда маҳаллий ташкилотлар маблағлари ҳисобидан 2000-2018 йиллар давомида республикада 9,9 млн АҚШ доллариға тенг бўлган 6 та лойиҳа амалга оширилганлиги;

2019-2024 йилларда самарали технологияларни жорий этиш орқали озон қатламини бузувчи моддаларни бутунлай истеъмолдан чиқариш бўйича 8,6 млн АҚШ доллариға тенг бўлган лойиҳа амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатишнинг асосий мақсадлари ва стратегик йўналишлари, чора-тадбирлари амалга оширилиши назарда тутилган **Озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича миллий дастур** (кейинги ўринларда – Миллий дастур) 1-иловаға мувофиқ;

Миллий дастурни бажаришда давлат органлари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар, озон қатламини емириш хусусиятига эга бўлмаган самарали технологияларни амалиётга жорий этиш бўйича лойиҳаларни, шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш тадбирларидан иборат **Озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича миллий дастурни амалга оширишнинг “Йўл харитаси”** (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

Миллий дастурни амалга ошириш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш;

озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича мажбуриятларни бажариш;

озон қатламини бузувчи моддалар ва таркибида ушбу моддалар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг импорти ва экспортига рухсатномаларни электрон ариза тақдим этилгандан сўнг “Ягона дарча” божхона ахборот тизими, Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали бериш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда озон қатламини бузувчи моддалар ва таркибида ушбу моддалар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг импорти ва экспорти назоратини олиб бориш, шунингдек, маҳсулотлар миқдорини ҳисобга олиш ҳамда уларнинг маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилиши учун масъул орган этиб белгилансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 январдаги 17-сон қарори билан тасдиқланган Таркибида озонни бузувчи моддалар бўлган, Ўзбекистон Республикасига импорт ва Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилиш рухсатномалар бўйича амалга ошириладиган маҳсулотлар турлари рўйхатига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали Миллий дастур ва “Йўл харитаси”нинг мақсад ва вазифалари ҳамда уларнинг амалга оширилиши юзасидан чиқишлар ташкил этилишини таъминласин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кириди.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А.И. Максудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 9 ” мартдаги 26-сон қарорига
1-илова

Озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича миллий дастур

1-боб. Кириш

Ўзбекистон Республикаси 1993 йилдан буён Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси (1985 йил) (кейинги ўринларда – Вена конвенцияси) ва Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи (1987 йил) (кейинги ўринларда – Монреаль протоколи) томони ҳисобланади. Сўнгги вақтларда Монреаль протокоliga киритилган бешта тузатишлардан Ўзбекистон тўрттасига (Лондон, 1990 йил), (Копенгаген, 1992 йил), (Монреаль, 1997 йил), (Пекин, 1999 йил) қўшилган ва ушбу халқаро шартномалар асосида озон қатламини емирувчи моддалар истъмоли талабларини тўлиқ бажариб келмоқда.

Озон қатламини бузувчи моддалардан (кейинги ўринларда – ОБМ) фойдаланишни тўхтатиш бўйича биринчи миллий дастур Вазирлар Маҳкамасининг “Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2000 йил 24 январдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган.

Дастур доирасида ОБМдан фойдаланишни тўхтатиш бўйича Глобал экологик жамғарма (кейинги ўринларда – ГЭЖ), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф муҳит дастури, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (кейинги ўринларда – БМТ ТД) кўмагида ҳамда маҳаллий ташкилотлар маблағлари ҳисобидан 2000-2018 йиллар давомида республикада 9,9 млн АҚШ долларига тенг бўлган 6 та лойиҳа амалга оширилди.

2019-2024 йилларда самарали технологияларни жорий этиш орқали гидрохлорфторуглеродни (кейинги ўринларда – ГХФУ) бутунлай истъмождан чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология кўмитаси), БМТ ТД ва ГЭЖ томонидан 8,6 млн АҚШ долларига тенг бўлган қўшма лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Янги таҳрирда қабул қилинаётган Озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича миллий дастур (кейинги ўринларда – Миллий дастур) Ўзбекистон Республикаси томонидан Монреаль протоколи ҳамда ушбу протоколга киритилган Лондон, Копенгаген, Монреаль ва Пекин тузатишлари доирасида қабул қилинган барча мажбуриятларнинг бажарилишини қамраб олади.

Хусусан, Миллий дастурда маҳаллий ресурслардан фойдаланган ҳолда, ОБМ ўрнини босувчи воситалардан фойдаланишга ўтиш соҳасида истиқболли илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга татбиқ қилиш, ОБМ ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг импорти ва экспорти бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, божхона ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг маҳсулотлар импорти ва экспортини назорат қилиш бўйича билимини ва малакасини ошириш, ГХФУдан қайта фойдаланиш тизимини мустаҳкамлаш ва уларнинг технологияларини алмаштириш соҳасида ишлаб чиқиладиган лойиҳалар натижадорлигини кенг омма эътиборига намоёйиш қилиш назарда тутилган.

Миллий дастур ўтган давр мобайнида халқ хўжалигининг турли тармоқларида ОБМдан фойдаланиш, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан улардан фойдаланишни қисқартириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган.

Шунингдек, Миллий дастур ташкилий ва стратегик чора-тадбирлар, ОБМдан фойдаланишни тўхтатиш бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини норматив тартибга солиш ва озон қатламига салбий таъсир этмайдиган “тоза” технологияларга босқичма-босқич ўтиш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган.

2-боб. Озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш ҳаракатларининг асосий йўналишлари

2.1. Ҳаракатларнинг асосий мақсадлари ва стратегик йўналишлари

Миллий дастур Ўзбекистон Республикаси томонидан Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи ҳамда унга киритилган ва Ўзбекистон ратификация қилган тузатишлардаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича ГЭЖ талабларига мувофиқ халқаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган.

Миллий дастур озон қатламининг емирилишини тўхтатишдан атроф муҳитнинг яхшиланишини, озонга зарар етказмайдиган технологияларга ўтишнинг иқтисодий фойдаларини ҳисобга олади. У ҳар бир гуруҳ учун ОБМни истеъмолдан чиқариш жадвалининг стратегик йўналишини белгилайди.

Монреаль протоколи билан юкланган мажбуриятларни бажаришда:

Монреаль протоколида белгиланган ОБМни хавфсиз бўлган моддаларга алмаштириш бўйича талабларни ўз муддатида бажариш;

Ўзбекистон Республикасига импорт қилиниши тақиқланган ОБМнинг республикага олиб кирилишини тақиқлаш;

ОБМ фойдаланадиган ёки ишлаш жараёни улар билан боғлиқ бўлган ҳавони совитиш ускуналарини тақиқлаш;

ОБМни республикага олиб кириш квоталарига риоя қилиш;

ГЭЖ ва бошқа халқаро донор ташкилотлар ёрдамида озон учун хавфсиз моддалардан фойдаланадиган технологияларни ишлаб чиқарадиган ва жорий этадиган ташкилотлар, компаниялар ва шахсларга ҳар томонлама кўмаклашиш;

ОБМ ўрнини босувчи ишларнинг бажарилиши тўғрисида қарор қабул қилувчи шахслар ва аҳоли хабардорлигини таъминлаш;

маҳаллий ресурслардан фойдаланган ҳолда совитиш ускуналари ва таркибида ОБМ бўлмаган маҳсулотлар ҳамда технологияларни ишлаб чиқариш соҳасида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш;

Ўзбекистонда озон қатламини емириш салоҳияти бўлмаган энергия жиҳатидан самарали технологияларни жорий этиш орқали ГХФУни бутунлай истеъмолдан чиқариш каби стратегик йўналишларга амал қилиш зарур.

2.2. Ҳаракатларни амалга ошириш учун кейинги қадамлар

ОБМдан фойдаланишни тўхтатиш, шунингдек, уларнинг ўрнини босувчи моддаларни жорий этишни рағбатлантириш ёки уларни қайта ишлатиш бўйича:

экспорт/импорт соҳасида, шунингдек, рухсатнома бериш ва квота тизимида ишлашни давом эттириш, ОБМ билан ишловчи ускуналарнинг олиб кирилиши билан боғлиқ тақиқларга қатъий риоя этиш;

юқори даражада глобал иссиқлик олиб келадиган гидрофторуглерод истеъмолидан паст ёки нолга тенг бўлган моддаларга босқичма-босқич ўтиш чораларини кўриш;

солиқ сиёсати чоралари билан биргаликда рағбатлантирувчи чоратadbирлар тизимини ишлаб чиқиш;

ушбу ишларга оммавий ахборот воситаларини кенг жалб қилиш орқали озон қатламини муҳофаза қилишнинг муҳимлиги ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш;

қарор қабул қиладиган шахсларнинг салоҳиятини, ОБМ ва уларнинг ўрнини босувчи моддалар соҳасида фаолият юритадиган мутахассисларнинг малакасини ошириш;

совитиш ускуналарини ишлаб чиқарадиган ва улардан фойдаланадиган, шунингдек, эритувчилар билан ишлайдиган йирик корхоналарда ОБМ билан боғлиқ ишлаб чиқариш босқичларини халқаро ҳамжамият ва маҳаллий сармоядорлар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари орқали амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон Республикасида биринчи Миллий дастур доирасида 3 та ОБМдан (ХФУ-12, тетрахлорметан, 1.1.1-трихлорэтан) фойдаланиш тўхтатилди.

Ушбу Миллий дастур доирасида республикада ОБМни истеъмолдан тўлиқ чиқариш, маҳаллий ресурслардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда глобал исишга таъсири паст даражада бўлган ва озон қатламини емириш хусусиятига эга бўлмаган технологияларни жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Монреаль протоколи Кигали тузатишига қўшилишининг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш назарда тутилмоқда.

3-боб. ОБМдан фойдаланишни тўхтатиш юзасидан Миллий дастурни амалга ошириш бўйича устувор чора-тадбирлар

3.1. Стратегик йўналишни амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг, тегишли вазирликлар ва идораларнинг роли

Вазирлар Маҳкамаси ОБМ истеъмолини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни, шунингдек, Вена конвенцияси ва Монреаль протоколи доирасида Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилишининг тизимли назорат қилинишини таъминлайди.

Давлат экология қўмитаси ОБМдан фойдаланишни тўхтатиш бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун масъул ҳисобланади.

Бундан ташқари, Давлат экология қўмитаси тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан Миллий дастур ва “йўл харитаси”да белгиланган тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика ҳудудига ОБМ ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни олиб кириш тартиби ҳамда республика ҳудудидан ОБМ ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни олиб чиқиш доирасида рухсатномалар берилишини таъминлайди.

Шу билан бир қаторда, Давлат экология қўмитаси ОБМни истеъмол қилиш, улардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш, амалга оширилаётган лойиҳаларни бошқариш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф муҳит дастурининг Озон Котибияти ва ГЭЖ ҳисоботларини тайёрлаш ишларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ОБМ ёки уларнинг ўрнини босувчи моддалардан фойдаланган ҳолда техник қайта жиҳозлаш, янги техника ва технологияларни жорий қилиш лойиҳаларини техник баҳолашни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Давлат экология қўмитаси билан биргаликда ОБМ ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг импорти ва экспорти назоратини олиб боради, шунингдек, уларни ҳисобга олиш ва ОБМ миқдори бўйича маълумотлар базаси яратилишига қўмаклашади.

3.2. Ҳаракатларнинг истиқболли йўналишлари.

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг “Озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар бўлган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасига импортини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17-сон қарори билан Монреаль протоколининг А, В ва Е рўйхатларида, шунингдек, С рўйхатининг II ва III гуруҳларида кўрсатилган моддаларни импорт қилиш тақиқланган.

Миллий дастур доирасида ОБМни ва уларнинг таркибидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тўхтатиш назарда тутилмоқда.

Маълумки, Монреаль протоколи томонларига ОБМни босқичма-босқич истеъмолдан чиқариш ва бошқа турдаги советгичларга ўтиш учун молиявий ресурслар кўринишида техник ёрдам кўрсатилади.

Бундан ташқари, республикада муқобил ва табиий совитиш агентларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан биргаликда қўшимча иш ўринларини яратиш имконияти пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси томонидан Монреаль протоколи доирасидаги мажбуриятларга тўлиқ риоя этилиши имконини беради.

3.3. Озон қатламини емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича миллий дастурни амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар

ОБМдан фойдаланишни тўхтатиш, озон қатлами учун хавфсиз бўлган муқобил моддалардан фойдаланишга ўтиш бўйича чора-тадбирлар ушбу Миллий дастурнинг стратегик йўналиши бўлиб, у дастурни амалга оширишнинг “йўл харитаси”да акс эттирилган.

Озон қатламини бузувчи моддалар ва таркибида ушбу моддалар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг импорти ва экспортига рухсатномалар электрон ариза тақдим этилганидан сўнг “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали берилади.

Миллий дастурни амалга ошириш учун:

ижрочилар, ижро муддатлари ва молиялаштириш манбалари, шунингдек, кутилаётган самаралар аниқ кўрсатилган механизмларни белгилаган ҳолда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

“Йўл харитаси”даги тадбирларни бажаришда иштирок этувчи тегишли вазирликлар ва идораларнинг аниқ вазифа ва функцияларини белгилаш;

вазирликлар ва идоралар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг Миллий дастур ижроси бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

Миллий дастур ижроси тўғрисида мониторинг ва таҳлил ишларини амалга ошириш;

Миллий дастурнинг вазифалари ва мақсадларини амалга ошириш жараёнларида жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда аҳолининг кенг қатлами иштирокини таъминлаш;

Миллий дастур ижроси бўйича оммавий ахборот воситалари орқали тизимли чиқишлар ташкил этиш зарур.

Миллий дастурни амалга ошириш натижасида:

ОБМ ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни республика ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш бўйича қатъий назорат таъминланади;

жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Монреаль протоколи Кигали тузатишига қўшилишининг мақсадга мувофиқлиги ўрганилади;

маҳаллий ресурслардан фойдаланган ҳолда, республикада ОБМ ўрнини босувчи моддалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади;

ОБМ ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг импорти ва экспорти бўйича маълумотлар базаси шакллантирилади;

ОБМни қайта ишлаш бўйича 6 та янги марказ ташкил қилинади ва 6 та мавжуд марказлар қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминланади;

совитиш ускуналари ишлаб чиқарадиган 100 та корхона учун зарур эҳтиёт қисмлар сотиб олинади;

озон қатламини емириш хусусиятига эга бўлмаган ва глобал исишга таъсири паст даражада бўлган ускуналарни ўрнатиш, ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш соҳасида мутахассислар тайёрланади;

совитиш ускуналарини ишлаб чиқариш соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш учун 3 та марказ ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 9 ” мартдаги 126-сон қарорига
2-илова

**Озон қатламини бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича миллий дастурни амалга оширишнинг
“йўл харитаси”**

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Давлат органлари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар					
1	Миллий дастур ва “Йўл харитаси”ни амалга ошириш ва уларнинг ижроси этилиши мониторингини олиб бориш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиришни таъминлаш.	<p>1. Озон қатламига хавф туғдирмайдиган технологияларни ишлаб чиқарадиган ва татбиқ қиладиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, компаниялар ва жисмоний шахсларни қўллаб-қувватлаш.</p> <p>2. Озон қатламини бузувчи моддаларни (ОБМ) истеъмолдан чиқариш назоратини кучайтириш мақсадида қонунчилик базасини ривожлантириш.</p> <p>3. ОБМни истеъмолдан чиқариш жараёнини таъминлашда корхоналар ва ташкилотларни рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.</p> <p>4. ОБМни ишлаб чиқариш ва истеъмолдан чиқариш жараёнларининг салбий оқибатларини камайтириш орқали амалга оширилишини таъминлаш чораларини кўриш.</p>	<p>Доимий равишда</p> <p>Талаб ва таклифларга мувофиқ 2021 йил май</p> <p>Дастур доирасида</p>	Маблағ талаб этилмайди	<p>Давлат экология қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги</p>
2	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига (ТИФ ТН) мувофиқ озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни республикага олиб кириш ва республикадан олиб чиқиш устидан қатъий назорат олиб бориш.	<p>1. ОБМ ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг импорти ва экспорти юзасидан тадбиркорлар мурожаатларига ўз вақтида жавоб берилишини таъминлаш.</p> <p>2. ОБМ ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни республика ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш бўйича қатъий назоратни таъминлаш.</p>	Доимий равишда	Маблағ талаб этилмайди	<p>Давлат экология қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси</p>

3	Ўзбекистон Республикасининг Монреаль протоколи Кигали тузатишига қўшилишининг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш.	1. Ўзбекистон Республикасининг Кигали тузатишига қўшилишининг мақсадга мувофиқлиги масаласида жаҳон тажрибасини ўрганиш. 2. Ўрганиш материалларини таҳлил қилиш ва улар асосида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2021 йил апрель 2020 йил май	Маблағ талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси
4	Совитиш ускуналари соҳасида ассоциация ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш.	1. Совитиш ускуналари соҳасида ассоциация ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш мақсадида илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш. 2. Ассоциация ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2021 йил август	Маблағ талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси
II. ОБМ ўрнини босувчи воситалардан фойдаланишга ўтиш учун рағбатлантириш чоралари					
5	Маҳаллий ресурслардан фойдаланган ҳолда ОБМ ўрнини босувчи воситалардан фойдаланишга ўтиш соҳасида истиқболли илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга татбиқ қилиш.	1. ОБМ ўрнини босувчи воситалардан фойдаланишга ўтиш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш. 2. Маҳаллий ресурслардан фойдаланган ҳолда республикада ОБМ ўрнини босувчи моддалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.	2021 йил ноябрь	Маблағ талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси
III. ОБМни истемолдан чиқариш бўйича миллий дастурнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш тизимини яратиш					
6	ОБМ ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг импорти ва экспорти бўйича мониторинг олиб борилишини таъминлаш.	1. ОБМ ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг импорти ва экспорти бўйича маълумотлар базаси шакллантирилишини такомиллаштириш. 2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Атроф муҳит дастурининг Озон Котибиятига ОБМ ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг импорти ва экспорти бўйича ҳисоботларни тақдим этиб бориш.	Ҳар йили	Маблағ талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси

7	ОБМни истеъмолдан чиқариш бўйича миллий дастур доирасида назарда тутилган чора-тадбирлар бажарилишининг тизимли мониторингини олиб бориш.	1. Маълумотларни тўплаш, тегишли маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш. 2. Умумлаштирилган маълумотларни ягона маълумотлар базасига киритиб бориш.	Доимий равишда	Маблағ талаб этилмайди	Давлат экология қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
IV. Ўзбекистонда глобал исишга таъсири паст даражада бўлган ва озон қатламини емириш хусусиятига эга бўлмаган самарали технологияларни жорий этиш орқали ГХФУни бутунлай истеъмолдан чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш					
8	Миллий қонунчиликни амалга ошириш, божхона ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг маҳсулотлар импорти ва экспортини назорат қилиш бўйича билимини ва малакасини оширишга кўмаклашиш.	1. Халқаро тажрибани ўрганиш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш. 2. Давлат экология қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ходимларининг институционал салоҳиятини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш. 3. ГФУ ва бошқа муқобил совитгичлардан фойдаланиш бўйича Кигали тузатишига қўшилиш масаласини асослаш ва кўриб чиқиш. 4. Давлат божхона қўмитаси марказий лабораториясининг газ хроматографларини калибровка қилиш, шунингдек, улар учун зарур ускуналарни сотиб олиш. 5. “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали рухсатнома ҳужжатларини олишга ариза бериш ва аризага асосан рухсатнома ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнлари юзасидан тренинг ташкил этиш.	2021 йил май 2021-2024 йиллар давомида 2021 йил май 2021-2024 йиллар давомида 2021-2024 йиллар давомида	Глобал экологик жамғарма ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури (0,3 млн АҚШ доллари), корхоналар маблағлари (0,887 млн АҚШ доллари)	Давлат экология қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси
9	ГХФУдан қайта фойдаланиш тизимини мустаҳкамлаш ва уларнинг технологияларини алмаштириш соҳасида ишлаб чиқиладиган лойиҳалар натижадорлиги кенг омма эътиборига намойиш қилинишини таъминлаш.	1. ОБМни қайта ишлаш бўйича 6 та янги марказ ташкил қилиш ва 6 та мавжуд марказни қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш. 2. Совитиш ускуналари ишлаб чиқарадиган 100 та корхона учун зарур эҳтиёт қисмларни сотиб олиш. 3. ОБМни қайта ишлаш марказларининг барқарорлигини таъминлаш учун бизнес режа ишлаб чиқишда кўмаклашиш.	2020-2024 йиллар давомида	Глобал экологик жамғарма ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури	Давлат экология қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси

		<p>4. Озон қатламини емириш хусусиятига эга бўлмаган ва глобал исишга таъсири паст даражада бўлган ускуналарни ўрнатиш, ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш соҳасида мутахассисларнинг билимларини ошириш.</p> <p>5. Давлат экология қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан совитиш ускуналарини ишлаб чиқариш соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш учун 3 та марказ ташкил этиш.</p> <p>6. Иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатлардаги озон офислари билан тармоқ алмашинувини таъминлаш ва тажриба алмашиш.</p> <p>7. Озон қатламини емириш хусусиятига эга бўлмаган ва глобал исишга таъсири паст даражада бўлган технологияларни амалиётга татбиқ қилишда кўмаклашиш.</p> <p>8. ОБМ истеъмолини қайд этувчи www.report.o3.uz онлайн тизимини қўллаб-қувватлаш ва ташкилотлардан маълумот йиғишда ва мониторинг олиб боришда ёрдамлашиш.</p>		(1,25 млн АҚШ доллари), корхоналар маблағлари (1,0 млн АҚШ доллари), хусусий сектор (4,2 млн АҚШ доллари)	
10	Маълумот алмашиш ва манфаатдор томонлар ўртасида хабардорликни ошириш.	<p>1. Соҳага оид турли тадбирларни (семинарлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар) ташкил этиш ва ўтказиш, ахборот тарқатма материалларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. “Халқаро Озон қатламини муҳофаза қилиш куни”га бағишланган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш.</p> <p>3. Саноат ва молия ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек, ресурсларни сафарбар қилиш учун совитиш ускуналари ишлаб чиқариш соҳасида хабардорликни ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш.</p>	2020-2024 йиллар давомида	Глобал экологик жамғарма ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури (0,32 млн АҚШ доллари), хусусий сектор (0,5 млн АҚШ доллари)	Давлат экология қўмитаси

11	Совитиш ускуналари ва ҳавони кондиционерлаш ускуналарини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасига хотин-қизларни жалб қилиш.	<p>1. Хотин-қизларни мазкур соҳага босқичма-босқич жалб қилишни назарда тутувчи амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.</p> <p>2. Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишни таъминлаш.</p>	<p>2021 йил июнь</p> <p>2021-2025 йиллар давомида</p>	<p>Глобал экологик жамғарма ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури (0,05 млн АҚШ доллари), корхоналар маблағлари</p>	<p>Давлат экология қўмитаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси</p>
V. ОБМларнинг зарари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш					
12	ОБМдан фойдаланишдан босқичма-босқич воз кечиш, уларни озон қатламига зарарсиз ва глобал исиш салоҳияти паст бўлган моддалар билан алмаштириш чораларини кўришнинг мақсадлари, амалий аҳамияти ҳамда белгиланган муддатларда амалга оширилиши юзасидан тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этиш.	<p>1. ОБМ ва глобал исиш салоҳияти юқори бўлган моддалардан фойдаланувчиларни аниқлаш бўйича хатловни босқичма-босқич амалга ошириш.</p> <p>2. Хатлов натижасига кўра аниқланган фойдаланувчиларнинг молиявий кўмаги асосида уларнинг масъул ходимлари учун соҳага тааллуқли семинарлар, ўқув курслари ва давра суҳбатларини ташкил этиш юзасидан ҳар йилги режаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш.</p> <p>3. Олиб борилаётган ишлар натижадорлигини телерадиоканаллар ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали кенг омма эътиборига ҳавола этиш.</p>	<p>Ҳар йили</p>	<p>Тадбиркорлик субъектлари маблағлари</p>	<p>Давлат экология қўмитаси, Инновацион ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси</p>
13	Озон қатламини муҳофаза қилиш соҳасида аҳолининг хабардорлигини ошириш.	<p>1. Атроф муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича миллий маърузаларда озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумотларни мунтазам бериб бориш.</p> <p>2. ОБМдан фойдаланиш ва уларни озон қатлами учун хавфсиз бўлган турларига алмаштириш бўйича олиб борилаётган тадбирлар ҳақида чиқишлар ташкил этиш.</p>	<p>Алоҳида белгиланган режа асосида</p>	<p>Маблағ талаб этилмайди</p>	<p>Давлат экология қўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадио-компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги</p>

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “9” мартдаги 126-сон қарорига
3-илова

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 январдаги 17-сон қарори билан тасдиқланган Таркибида озонни бузувчи моддалар бўлган, Ўзбекистон Республикасига импорт ва Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилиш рухсатномалар бўйича амалга ошириладиган маҳсулотлар турлари рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

1. 1.1.-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“

1.1.	Совутгичлар, музлатгичлар ва улар учун мўлжалланган насос ҳамда компрессорлар	8414 30, 8414 80 750 0, 8418 10-8418 29 000 0, 8418 50 110 0-8418 50 190 0, 8418 61 00, 8418 69 000 9, 8476 21 000 0, 8476 81 000 0
------	-------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

”;

2. 1.2.-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“

1.2.	Музлатгичлар, музлатиш камералари, буғлатгич ва конденсаторлар (маиший совутгичларга мўлжалланган буғлатгич ва конденсаторлардан бошқалари)	8418 30, 8418 40, 8418 61 00, 8418 69 000 9, 8418 99 100 0
------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------

”.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 9 ” мартдаги 126-сон қарорига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2000 йил 24 январдаги 20-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳукумат комиссияларини тузиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ва ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида” 2000 йил 19 сентябрдаги 359-сон қарорига 1-илованинг 33-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2000 йил, 9-сон, 60-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига 1-илованинг 20-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2005 йил, 34-36-сон, 264-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 13 апрелдаги ПФ-5012-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 13 апрелдаги ПКҚ-2887-сон қарори)” 2017 йил 14 июлдаги 499-сон қарорига илованинг 12-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 йил, 29-сон, 693-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 апрелдаги ПКҚ-2915-сон қарори)” 2017 йил 17 ноябрдаги 915-сон қарорига 1-илованинг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 йил, 46-сон, 1134-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар бўлган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасига импортини ва Ўзбекистон Республикасидан экспортини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 9 январдаги 17-сон қарорига 7-илованинг 1-банди.

